

## ТАДБИРКОР ШАХС ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сўфиев А.А.

**Фарғона давлат университети ўқитувчиси**  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12759080>

**Аннотация:** Мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган либерал-демократик ислохотлар тадбиркорлик, хусусан, тадбиркор шахс ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлаш ва юксалтириш учун мустаҳкам пойдевор вазифасини бажараётганлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** тадбиркор шахс, интеллектуал фаолият, эркин ҳаракат, ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалар, трансформация, ҳуқуқий маданият, сўз ва эътиқод эркинлиги.

**Аннотация:** В статье говорится о том, что реализуемые в Узбекистане либерально-демократические реформы, которые обновляются, служат прочной основой для укрепления и повышения правовой культуры предпринимательства, в частности предпринимателя, и ее специфических особенностей.

**Ключевые слова:** предприниматель, интеллектуальная деятельность, свободное передвижение, социальная, экономическая, культурная, политико-правовая сферы, трансформация, правовая культура, свобода слова и убеждений.

**Abstract:** The article states that the liberal democratic reforms being implemented in Uzbekistan, which are being updated, serve as a solid basis for strengthening and enhancing the legal culture of entrepreneurship, in particular the entrepreneur, and its specific features.

**Key words:** entrepreneur, intellectual activity, free movement, social, economic, cultural, political and legal spheres, transformation, legal culture, freedom of speech and belief.

Таҳдилларимизга таяниб айтиш мумкинки, интеллектуал фаолият, эркин ҳаракат тадбиркор шахсига хос хусусиятлардандир. Тадбиркор шахс тушунчаси суверенитетимиз даврида жамият трансформациясининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларига алоқадор муаммоларга ўз фаолияти давомида эркин муносабат билдириши билан изоҳланади. Турли миллий ва оммавий таъриф ва тавсиф, фазилатлар тадбиркор шахс профессионал фаолиятига таъсир ўтказди. Яъни юқоридагиларни ўзида мужассамлаштирган шахсни - тадбиркор деб аташимизга асос бўлади.

Тадбиркор шахс ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда мазкур ҳолат муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Конституциямизнинг 29-моддасида: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин” [1] лиги эътироф этилган. Ҳар кимнинг ўз фикрини эркин ифода қилиш ҳуқуқи ўз ичига изланиш эркинлиги, ҳар қандай ахборотни олиш, тарқатиш, ёзма ёки нашр шаклида ёхуд бадий шаклда ифодалаш эркинлигини амалга ошириш имконини беради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида: “Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва буларни эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: ушбу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай воситалар билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади” [2] дейилади. Бу моддада ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш билан бирга, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, унда маълум бурч ва жавобгарлик ҳам мавжуд. У, ўз навбатида, айрим чеклашларни ҳам талаб қилади: а) бошқа шахслар ҳуқуқи ва обрўсини ҳурмат қилиш; б) давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли соғлиғи ва қадриятларини ҳимоя қилиш. Шундай қилиб, шахсий ҳуқуққа тегишли қабул қилинган конституциявий меъёрларимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий андозаларга тўла мос келади.

Бош қомусимизнинг “IX-бобида тадбиркор шахснинг ижтимоий - иқтисодий ҳуқуқлари алоҳида белгилаб берилган. Асосий қонуннинг 36-38-моддалари бевосита шахснинг иқтисодий ҳуқуқларига бағишланган. Жумладан, Конституциянинг 36-моддасига мувофиқ, “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади” [3] дейилган. Мазкур норманинг қонун йўли билан мустаҳкамланиши тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кенг йўл очиб беради. Конституциямизнинг асосий принципларидан келиб чиқиб, инновацион, рақамли ва яшил иқтисодиётимизнинг иқтисодий негизини мулкчиликнинг ранг-баранглиги ҳамда ҳуқуқий кафолати эканлигини ангаш мумкин.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида иқтисодиётни янада либераллаштириш жараёнида мулк даҳлсизлиги ва турли шакллар интерпретацияси мустаҳкамланмоқда. Бу жараён ривожланган мамлакатларда тартибга солингани каби давлатимизда ҳам ўрта синф - мулкдорларни ошиб боришига олиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётимизни модернизация қилиш жараёнида Марказий Осиё минтақасидаги қўшни давлатларимизга нисбатан Ўзбекистонда тинч ҳаёт, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик ҳукм суриши, тадбиркорликнинг турли шакллари эмин-эркин фаолият юритишларини кафолати сифатида давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш тизимининг меъёрий - ҳуқуқий асослари яратиди.

Ўзбекистоннинг тарихий тажрибага эгалиги ўз навбатида Республикамизда мулкдорлар синфининг тез суръатлар билан шаклланишига ҳамда ривожланишига катта туртки бўлмоқда. “Мулкдор - мулк субъекти, мулк объектига нисбатан эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқий тамойиллари асосида мустаҳкамланган ҳуқуқларга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс” [4] деб эътироф этилган. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мулкдорлар синфини шакллантиришнинг энг оммавий усулларида бири кичик ва хусусий корхоналар ташкил этишдир.

Республикамизда изчил амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларда мулк ва мулкчиликни ҳуқуқий кафолатлаш масаласи марказий ўринни эгаллайди. Мамлакатимизда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ, мажбурият ва эркинликлари кафолатловчи тизими негизини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан бир қаторда, Фуқаролик Кодексимизнинг махсус ҳуқуқий нормалари ҳамда институтларини келтиришимиз мумкин.

Парламентимиз томонидан 1995 йил 29 августда ушбу Кодекснинг иккинчи қисми тасдиқланди ва 1997 йил 1 мартдан бошлаб кучга киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. Кодекснинг 1-моддасиданоқ инсон ҳуқуқларини кафолатлашга доир тегишли нормаларни учратиш мумкин. Жумладан, Кодекснинг 1-моддасида: “Фуқаролик қонун ҳужжатлари улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўққинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларни суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш зарурлигига асосланади” [5].

Конституциямизнинг 41-, 42-, 43-, 46-, 47 - моддаларида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл (ажнабий) тадбиркорлари Республикаимизнинг мулкчилик муносабатларида турли хил мулкчилик шакллари воситасида тадбиркорлик фаолиятини юритиб, ўз мулкчини амалдаги қонунларга биноан эксплуатация қилишлари, ҳисоб-китоб асосида фойда олиш эвазига хусусий мулкдан фойдаланиш, мулк яратиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан кўринадики, хусусий мулкдор меҳнат қилиш эркинлиги қонунда мустаҳкамланганлигини эътиборга олиб, унга мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида, ёлланма ишчи кучидан фойдаланишлари мумкин. Бу ислохотлар жамиятимизда хилма-хил мулк шакллари вужудга келишига олиб келди.

Асосий қонунимизда эътироф этилганидек, фуқаролар мулккий ҳуқуқлари, ўз навбатида “Мулкчилик тўғрисида” ги қонуннинг 7-моддаси 1-бандида мустаҳкамланган. Унга кўра, хусусий мулк эгаси, ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади” [6], бу эса юқорида келтирилган қонунлар билан кафолатланади.

Тадбиркорлар шахсий ҳуқуқ, мажбурият ва эркинликларини тартибга солиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”, Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги, “Давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” ги, “Таълим тўғрисида” ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Юқорида санаб ўтилган қонунлар бевосита ёки билвосита тадбиркорлик фаолияти ҳамда муносабатларини тартибга солишга хизмат қилади.

Давлатимизда кейинги даврда амалга оширилаётган либерал-демократик ислохотларнинг асосий мақсади фуқароларимиз иқтисодий фаровонлигини ҳамда ижтимоий турмуш даражасини оширишга қаратилган. Бу борада Ўзбекистон улкан ютуқларга эришмоқда. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “БМТ Минг йиллик мақсадларини Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” махсус қарор қабул қилган. Унда Ўзбекистонда БМТ Минг йиллик ривожланиш мақсадларига мувофиқ аҳоли турмуш даражаси ва сифатини изчиллик билан кўтариш учун зарур бўлган кўшимча чораларни амалга ошириш мақсадида вазирликлар, идоралар, ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий органларининг мамлакатда инсон салоҳиятини муттасил ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс ҳаракат дастури белгиланган” [7]. Юқоридагилардан кўриниб турибдики,

ижтимоий-иқтисодий соҳадаги амалга оширилаётган ислоҳотларимиз ички ва ташқи омиллар уйғунлашувида кечаётганлигининг асоси сифати кўришимиз мумкин.

Эътироф этиш лозимки, янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган либерал-демократик ислоҳотлар тадбиркорлик, хусусан, тадбиркор шахс ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлаш ва юксалтириш учун мустаҳкам пойдевор вазифасини бажармоқда. Мамлакатимизнинг ўзига хос демографик кўрсаткичлари ва таркиби, шунингдек, урбанизация даражасини инобатга олиш лозимлигини алоҳида таъкидлаш зарурдир. Бундан келиб чиқиб, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида кўп йиллар давомида ишга яроқли кишиларнинг ортиқлиги, маҳаллий оилаларда болалар сонининг кўплиги, фуқароларнинг меҳнат малакалари ўзига хос хусусиятга эга эканлигига етарли ва лозим даражада эътибор берилмаганлиги кузатилган.

### References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Тошкент: Адолат, 2023. - Б. 18-20.
2. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Тошкент: Адолат, 2023. - Б. 25-32.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. - Б. 288.
5. Жуманазаров К. Мулкдорлар синфи: шаклланиш сари. // Мулкдор, 1998. - Б. 3.
6. <https://lex.uz/docs/111466>
7. Ҳакимов Н.Ҳ., Ахмедов О.М., Абдумаликов А.А., Шарипова З.Б. Яшил иқтисодиёт ва экология - Тошкент: Adast poligraf, 2021. - Б. 46.